



СТРУКТУРА ВА МИНТАКАЛАРДО  
КУТУБХОНАСИ  
ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚЛОҚИ

2008 ЙИЛ, 5 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГИ ХАБАРЛАР

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** номига мамлакатимиз Мустақилликнинг 17 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан санимий кутловлар келиши давом этмоқда.
- Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган олий ўқув юртлири сони яна биттага кўпайди. Президентимизнинг 2008 йил 28 апрелда қабул қилинган қарорига асосан Ўзбекистон Давлат санъат институтининг Нукус филиали иш бошлади.
- Қашқадарё вилояти Косон туманида юз ўринли болалар шифохонаси фойдаланишга топширилди. Янги шифо маскани 600 миллион сўмлик энг сўнги замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.
- Хонқа туманида янги паррандачилик фабрикаси ишга туширилди. «Санатқурилишбанк»нинг Хоразм вилояти филиали томонидан ажратилган кредит ҳисобига бунёд этилган «Хонқа паррандачилик» масъулияти чекланган жамияти барча зарур технологик линиялар ва жиҳозлар билан таъминланди.
- Баҳмал туманида Истиқлол байрами арафасида «Баҳмалшароб» шўба корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Корхонада 100 нафарга яқин баҳмаллик ёшлар меҳнат қилишмоқда.
- Фарғона вилояти марказидаги Аҳмадал Фарғоний номида богда қовун сайли бўлиб ўтди. Йигилганлар Ёзёвон туманидаги «Толқудуққум» фермер хўжалиги раҳбари Абдумуталиб Мамажонов қовунларига юқори баҳо беришди.
- Урганч ахборот ва компьютер технологиялари касб-хунари коллежида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Мазкур ярмаркада Урганч шаҳридаги 25 та корхона ва ташкилот 880 та бўш иш ўринлари билан қатнашиб, шу кунги кўплаб ёшлар иш билан таъминланди.
- Навоий шаҳри хавосининг мўтадиллигини сақлаш учун 13 километрик «Дашт-ногар» каналининг иккинчи навбати бунёд этилди.
- Учқудуқ шаҳридаги «Учқудуқсавдо» акциядорлик жамиятида юқори сифатли ош тузи ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур корхонада кунга уч тонна ош тузи тайёрланмоқда.
- Марғилонда «Ёш хунармандлар» танлови бўлиб ўтди. Тадбир сўнггида голиблар муносиб тақдирланди.
- «Ипотека» ва Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкларининг Учқудуқ туманидаги бўлимлари Ёшлар йилида 11 та оилга 117 миллион сўмлик ипотека кредити ажратди. 20 нафар ёш оилга эса уй-жой қуриш учун Учқудуқ шаҳри ҳудудидан ер участкалари ажратиб берилди.
- Алишер Навоий номидаги опера ва балет Давлат академик катта театрида янги ижодий мавсум бошланиши муносабати билан театр жамоасининг ижодий режалари тақдироти ўтказилди.

## ЖАҲОНДА

- Хитойнинг шарқий қисмида жойлашган ерости йўлларида бирида йўловчи автобус томонидан йўл ҳаракати ҳодисаси содир этилди. Воқеа жойида 10 киши ҳалок бўлган ва 24 йўловчи турли даражада тан жароҳати олган, деб хабар беради «Синьхуа» ахборот агентлиги.
- Жорий йилнинг август ойида Европанинг Италия, Франция ва Испания давлатларида янги машиналарга бўлган талаб ҳаридорлар томонидан анча сузлашган. «Automotive News Europe»нинг ёзишича, бу борада Испания мамлакати етакчилик қилмоқда.
- ИТАР-ТАСС хабарига кўра, 3 сентябрь кунги Франция пойтахти Парижда БМТ шафёлиги остида нодавлат ташкилотларнинг йиллик анжумани ўз ишини бошлади. Анжуманда жаҳоннинг 90 мамлакатидан 1700га яқин нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этмоқда.
- Сомали қирғоқларида ҳаракат қилаётган денгиз қароқчилари жаҳон ҳамжамияти олдида ҳамон ечимни йўқ муаммо бўлиб қолмоқда. 3 сентябрь кунги яна бир Франция юк кемаси қароқчилар томонидан асир олинган. Бу билан қароқчилар қўли остида гаровда қолаётган кемалар сони еттига етган.
- Америкалик физик олим Рис Рот Хитой ва Эрон манфаати учун жосуслик қилишда айбдор деб топилган. Олим Теннесси университетига АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг бошқарувчисиз учар қурилмалар тўғрисидаги махфий лойиҳаси устида ишлаётган пайтада тадқиқотларга хитойлик ва эронлик аспирантлари жалб этган. Физик олимга 160 йиллик қамоқ жазоси ва 1,5 миллион доллар миқдорида жарима тайинланиши қўшилмоқда.
- Германия ва Дания мамлакатлари ҳукумати ўзаро ҳамкорликда Европадаги энг узун кўприкни қуриш борасида келишиб олди. 2012 йилда қурилиши бошланиб 2018 йилда битказилиши кўзда тутилаётган мазкур кўприк Болтик денгизи узра ўтиб унинг узунлиги 20 километрни ташкил этади.
- Франциянинг «Renault» автомобилсозлик компанияси раҳбарияти офисларда фаолият юритаётган 3 минг нафар ходимга ўз охишларига кўра ишдан бўшаб тўғрисида ариза ёзишни сўраб мурожаат қилди. Қура-тувчиларнинг фикрича, компания шу йўл орқали бошдан кечираётган инкнрозни бартараф этишни кўзлаган ва ишдан озод бўладиган ходимларга қонунларда белгиланган тартибда барча тўловлари тўлашни ваъда қилмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Кеска сатрларда

- **1-РЕСПУБЛИКА** тиббиёт коллежида педагоглар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман таълим самарадорлигини оширишда замонавий технологияларнинг аҳамиятига бағишланди.
- **КЕЧА** шахримизда ветеринария соҳасининг долзарб масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.
- **АЙНИ** кунларда — Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан янги 2008-2009 ўқув йилига бағишлаб шахримиз мактабларида ўқувчилар иштирокида «Диккат, болалар» шiori доирасида «Диккат, пиёда» мавзуйда ўтказилаётган акция 12 сентябргача давом этади.
- **КЕЧА** Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусикали драма театри ўзининг 69-мавсумини «Супер қайнона-2» спектакли билан очди.
- **ҲАМЗА** туманидаги Аҳмад Ясавий номи маҳаллада юртимиз Истиқлолнинг 17 йиллигига бағишлаб маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан уюштирилган тадбирда маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари, ёшлар иштирок этишди.
- **ШАХРИМИЗДА** тадбиркорлар, ишбилармонлар, банк соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ижтимоий, сиёсий, маданий, иқтисодий соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган байрам тантаналарида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари ҳам иштирок этди. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари билан бўлиб ўтган сўхбатларда улар Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида босиб ўтган тараққиёт йўли ҳамда ўзларининг мамлакатимиздаги фаолияти давомида олган таассуротлари билан ўртинлашди.

**Кувайт Давлати элчиси Одил Ҳаёт:** «Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 17 йиллигини эътиборга молик натижалар билан қарши олмақда. Утган давр мобайнида мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёт ботида жиддий ютуқларга эришди.

**Россия Федерацияси элчиси**

ва маънаватларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлашни истар эдим. Ёшлар — мамлакат келажаги. Мамлакат раҳбариятининг бу сийасати Ўзбекистон раванки ва фаровонлигининг мустаҳкам гарови ҳисобланади».

## 17 йил ХОРИЖИЙ ЭЛЧИ ВА МЕҲМОНЛАР ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ ҲАҚИДА

Истиқлол йилларида Президент Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилган оқилона сийасат туфайли мамлакатда ташаббускор, қобилиятли ва таваққури кенг ёш адлод шаклланди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшлар сийасати — мамлакат келажагининг мустаҳкам асосидир.

Мустақиллик кунини — умумхалқ байрами. Ҳозир биз гувоҳи бўлиб турган шодиёналар, одамлар орасидаги кўтаринкилик муҳити халқнинг мамлакат етакчисига нисбатан бўлган ҳурмат-эҳтиромдан далолатдир».

**Саудия Арабистони элчиси Мансур Иброҳим ал-Мансур:** «Тантанада иштирок этаётган бошқа меҳмонлар каби мени ҳам байрамнинг юқори савияда ташкил этилгани, тадбирлар қўламини, барча иштирокчиларнинг байрамона кайфияти мафтун этди. Бу — халқнинг кучли ва тараққиёт этган давлат қуришга бўлган қатъий ишончини намойиш этади.

**Фарит Мухаметшин:** «Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораёпти. Бунга Россия Федерацияси ҳукумати раиси В.Путин Ўзбекистонда амалий таъриф билан бўлган ҳамда мамлакатларимиз ўртасида кенг қўламли ҳамкорлик дастурини рўйбга чиқариш мўлжалланаётгани яққол далили бўлади. Бугун биз савдо-иқтисодий ҳамкорлик, илм-фан, маданият, таълим соҳаларида эътиборга молик кўрсаткичларга эгаимиз. Шунини мамнуният билан айтиш мумкинки, муносабатларимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораёпти. Шу билан бирга ҳамкорликни янада кенгайтириш учун ҳали катта имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон халқини қўтлуғ байрам — Мустақиллик кунини билан самимий муборақбод этаман. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳаммиша дўстона бўлиб, халқларимиз фаровонлиги йўлида ривож топиб бораверишига тилақдошман».

**Хитой Халқ Республикаси элчиси Юй Хунцзюнь:** «Ўзбекистон мустақиллик йилларида Президент Ислам Каримов раҳбарлигида

қилмоқда.

Хитой билан Ўзбекистон қўшни давлатлар ҳисобланади. Бизнинг дўстона муносабатларимиз минг йиллик тарихга эга. Хитой Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва дипломатия алоқаларини ўрнатган давлатлардан ҳисобланади. Ўзбекистон — Хитой муносабатлари сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар, хавфсизликни таъминлаш каби соҳаларда муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Хар икки томон ҳам халқаро ва минтақавий масалаларда самарали ҳамкорликни амалга оширмоқда. Президент Ислам Каримов Пекин Олимпиадасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этгани Ўзбекистон раҳбарияти мазкур тадбирни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганининг муҳим далили бўлди. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона муносабатлар тобора ривожланиб боришига ишонман.

Ҳамкорлигимиз мамлакатларимиз ва халқларимизнинг фаровонлигига қаратилгандир».

## 2008 – Ёшлар йили «МЕҲР НУРИ»НИНГ ТУҲФАСИ

**«МЕҲР НУРИ» ҲАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 66-МАХСУС МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ (ЁРДАМЧИ) МАКТАБИ ҚАЙТАДАН РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирга ота-оналар, педагоглар, жамоат ташкилотлари вакиллари тақдир этилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида изчилик билан олиб борилаётган ислохотлар жараёнида жаҳон андозалари даражасидаги таълим масканларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуна ва жиҳозлари, компьютер техникаси билан таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Уқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, таълим-тарбия ишларини сифат ва мазмун жиҳатдан такомиллаштириш ҳам доимий эътиборда.

Бундай хайрли ишларга вазирлик ва идоралар, муассасалар қатори жамоат ташкилотлари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

«Меҳр нури» хайрия жамғармаси томонидан таълим-тарбия масканлари, тиббиёт муассасалари, диспансерлар, оилавий поликлиникалар, шифохоналар, спорт мажмуалари, ижтимоий иншоотларни барпо этиш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирдан чиқариш, зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар бунинг далилидир.

Пойтахтимиздаги 66-махсус меҳнат таълими мактабининг аввалги биноси бундан олтим йилдан ортқикроқ вақт илгари қурилган. Мактаб директори Нигора Хўжаеванинг айтишича, унда болаларнинг етарлича таълим-тарбия олиши, жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун имконият деярли йўқ эди. «Меҳр нури» жамғармаси ҳомийлигида бу маскан бўлганлай янги, қуркам қиёфа касб этди. Ошхона, ахборот-ресурс маркази, фаоллар залли, спорт, даволлаш гимнастикаси заллари, қўшимча ўқув биноси барпо этилди.

Мактабининг янги биносида аввалгига нисбатан икки баробар кўп — салкам уч юз нафар ўғил-қиз билим олади. Замонавий ўқув-услубий жиҳозлар, компьютер техникаси, фанлар бўйича махсус ускуналар билан таъминланган мактабда шинам фан кабинетлари, турли касбларга йўналтирилган ўқув-меҳнат хоналари болалар ихтиёрида.

Мактабимизнинг янги биноси болалар ва биз, педагоглар учун янги ўқув йилида жуда ажойиб туҳфа бўлди, — дейди мактабининг табиат фани ўқитувчиси Нилуфар Исмоилхўжаева. — Бу ерда ёшларга билим бериш, касб-хунари сирларини ўргатишимиз учун барча шароитлар яратилганидан беҳад мамнунимиз. Бу Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар бераётган юксак самаралардандир.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

(Давоми 2-бетда).





